

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

169

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети-нинг моддий-техника базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 13 августдаги 222-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 23 майдаги ПҚ-1971-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети комплекси қурилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 13 августдаги 222-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икромов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 6 апрель,
83-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 6 апрелдаги 83-сон қарорига
ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 13 августдаги 222-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2-бандда:

а) учинчи хатбошидаги «очиқ акциядорлик жамияти» сўзлари «акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) бешинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти Дево-ни Ишлар Бошқармасининг Қурилиш бирлашмаси» сўзлари «Қурилиш бир-лашмаси» акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 6-банднинг биринчи хатбошидаги «очиқ акциядорлик жамияти» сўзла-ри «акциядорлик жамияти» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 1-иловада:

а) «Тадбирлар номи» устундаги 2-позициядан «ва сузиш ҳавзасидан» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3 ва 4-позициялар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) «Объектлар манзили» устунининг 9-позицияси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Г9 А мавзеси, 26 б-уй»;

г) 10-позиция қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«	10. Собиқ ошхона биносини реконструкция қилиш, унда жалб этилган хорижий мутахассислар учун 20 ўринли меҳмонхонани жойлаштириш.	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Г9 А мавзеси, 26 б-уй	2015 йил	».
---	---	---	----------	----